

Гуноҳи азийм

14:54 / 28.04.2017 3155

Ким бир мўминни қасддан ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамдир. Унда абадий қолур. Унга Аллоҳнинг ғазаби ва лаънати ёғилур. Ва Аллоҳ унга улкан азобни тайёрлагандир. (Нисо;93)

Қасддан одам ўлдириш Ислом дини назарида гуноҳи кабиралардан ҳисобланади. Шунинг учун қасддан одам ўлдирганнинг охир-оқибати ўта оғир ва ўта шиддатлидир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадисларида: “Ким бир мўмин-мусулмоннинг ўлдирилишига яримта сўз билан бўлсада ёрдам берса, у Қиёмат куни икки кўзи орасига “Аллоҳнинг раҳматидан умидни узган” деб ёзилган ҳолда келади”, деганлар. (Ибн Можа ривояти) Бошқа бир ҳадисда эса: “Дунёнинг заволи бўлиб кетиши Аллоҳнинг ҳузурда бир мўминнинг ўлдирилишидан кўра енгилроқдир”, деганлар. (Байҳақий ривояти) Шунинг учун Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу қотилнинг тавбасини қабул бўлмаслигига фатво берганлар. Аллоҳ муҳлат беради, лекин унутиб қўймайди.

Охир-оқибатида катта хатар кутиб турган бундай гуноҳдан барчамизни Аллоҳ таолонинг Ўзи асрасин!

Қудратуллоҳ Сидиқметов